

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭМИНОВ АФЗАЛ АШРАПОВИЧ

**ТЕХНИК МАҚСАДЛАРДАГИ АЛЮМОСИЛИКАТ КЕРАМИК
МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ТАРКИБЛАРИНИ ВА ПАСТ ҲАРОРАТДА
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 – Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Эминов Афзал Ашрапович

Техник мақсадлардаги алюмосиликат керамик материалларининг таркибларини ва паст ҳароратда олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Эминов Афзал Ашрапович

Разработка составов и низкотемпературной технологии получения алюмосиликатных керамических материалов технического назначения.....29

Eminov Afzal Ashrapovich

Development of compositions and low-temperature technology for producing aluminosilicate ceramic materials for technical purposes55

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЭМИНОВ АФЗАЛ АШРАПОВИЧ

**ТЕХНИК МАҚСАДЛАРДАГИ АЛЮМОСИЛИКАТ КЕРАМИК
МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ ТАРКИБЛАРИНИ ВА ПАСТ ҲАРОРАТДА
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.15 – Силикат ва қийин эрийдиган нometалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.3.DSc/T963 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сабилов Бахтиёр Тохтаевич

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Верещагин Владимир Иванович

техника фанлари доктори, профессор

Мирзақулов Холтура Чориевич

техника фанлари доктори, профессор

Искандеров Ахмед Макседбаевич

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.02/05.05.2023.К/Т.35.02 рақамли Бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «16» «декабрь» «10⁰⁰» соатда ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (99871) 262-79-90, e-mail: ionx@academy.uz)

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (104-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., М.Улуғбек кўчаси 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60.

Диссертация автореферати 2025 йил «2» декабрь куни тарқатилди.
(2025 йил «2» декабрдаги 104 рақамли реестр баённомаси)



Н.Х.Усанбаев

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж.С.Шукуров

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Ш.С.Намазов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан энергетика, автомобиль, фармацевтика, кимё, керамика, тоғ-кон руда ва бир қатор бошқа саноат соҳаларида техник мақсадлардаги алюмосиликат керамик материаллари кенг фойдаланилади. Улардан, юқори глиноземли майдаловчи жисм, туйиш агрегатларининг қоплама кошинлари, керамик изоляторлар кўринишидагилар юқори мустаҳкамлик, емирилишга чидамлик ва диэлектрик ўтказувчанликлари билан фарқ қилади. Шунга боғлиқ равишда, улар металл материал ўрнига юқори даражадаги тоза, ўта майда ва ток кучига чидамли маҳсулотлар олиш зарур бўлган ишлаб чиқариш циклларида қўлланилади. Бундан ташқари, ушбу турдаги материал ва маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг юқори даражада ортиши туфайли, уларни инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқариш жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, техник мақсадлардаги материаллар ишлаб чиқариш бўйича керамика соҳасининг мувоффақиятли фаолияти асосан фойдаланилаётган хомашё компонентларининг сифатига ва тайёрлашнинг ўзига хос технологияларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, техник мақсадлардаги алюмосиликат материаллар таркибларини ва паст ҳароратда пишиши орқали олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда, ҳозирги кунда юқори глиноземли масса асосида талаб даражасидаги техник керамик материаллар олиш технологиялари бўйича кенг тармоқда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, хомашё жинсининг истиқболли конларини ва иккиламчи ресурсларни жалб қилган ҳолда хомашё базасини кенгайтиришга, хомашё компонентларининг юқори ҳароратдаги пишиш жараёнларига, кам материал сарфи билан уларни олиш технологияларига, тайёр маҳсулотларни зарурий технологик хосса билан таъминловчи минерал фазаларини шаклланиш жараёнларига ҳарорат таъсирини асослашларга, асосий хоссаларини уларни олишнинг технологик режимига боғлиқликларини аниқлашларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Республикамизда маҳаллий хомашё компонентлари асосида керамик материаллар таркибларини ва уларни паст ҳароратда пишиш технологияларидан фойдаланиб ишлаб чиқиш, олинган керамик маҳсулотларни, хусусан юқори мустаҳкам ва юқори зичликка эга қоплама материаллар ва уларни бутловчи қисмларининг ва ҳ.о. физик-механик ва функционал хоссаларини аниқлашлар, бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегиясида ноанъанвий норуда хомашё ресурсларини жалб қилган ҳолда хомашё базасини кенгайтириш, “Яшил иқтисодиёт” доирасида чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш белгиланган.¹ Бу борада, маҳаллий хомашё ва

¹ “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентини 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 Фармони

иккиламчи ресурслар асосида юқори глиноземли техник керамика таркибларини, паст ҳароратда пишиш технологияларидан фойдаланиб, ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт Стратегияси” тўғрисидаги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Ривожлантиришнинг бешта тамойили бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097 сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги Фармонлари, ҳамда 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ-5083 сон “Геология соҳасида инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора тадбирлар” тўғрисидаги, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон “2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг шарҳи². Хомашё компонентларини паст ҳароратда пишиши орқали юқори мустаҳкамликка ва юқори зичликка эга техник мақсадлардаги керамик материаллар олишга, ҳамда юқори ҳарорат соҳасида, фазавий ўтиш ва минераллар кристалл фаза структураларини шаклланишларини бошқариш йўли билан юқори глиноземли керамик массанинг янги рецептурадаги омукта таркибларидан олинган керамик материаллар физик-механик ва технологик хоссаларини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўпгина етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), Institute of Ceramics and Building Materials (Польша), Париж университети (Франция), Asia Ceramics Institute, (Хитой), Kyoto University ва Tokyo Institute of Technology (Япония), Карлосов Федерал университети (Бразилия), Technische Universität München (Германия), Technical University of Denmark (Дания), Беларус Давлат технология университети (Белоруссия), Харьков политехника университети (Украина), Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетте, Санкт-Петербург технология университети, Томск политехника университети (Россия), М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон Давлат университетларида (Қозоғистон) комплекс

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.scholar.google.com>, <http://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда техник мақсадлардаги керамик материаллар, яъни майдаловчи жисмлар, қоплама ғишт ёки кошинлар, ҳамда керамик изоляторлар ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиб, уларнинг самарадор таркибларини ва олишнинг инновацион технологияларини яратиш бўйича бир қатор тадқиқот натижаларига эришилган, жумладан, паст ҳароратда пишиш билан майдаловчи шар кўринишидаги ишқаланишга чидамли бўлган техник керамика таркиблари яратилган (Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети, Россия); муллиткорундли техник керамика материалларининг технологик хоссаларига модификацияловчи компонентларнинг таъсири аниқланган (Белорус Давлат технология университети, Беларус); ярим қуруқ пресслаш усулидан фойдаланиб, ишқаланишга чидамли керамик материаллар таркиблари ишлаб чиқилган (Праж университети, Чехия); юқори глиноземли хомашёда муллит минералининг оксидлар билан ўзаро таъсири золь-гель усулида аниқланган (Лимож университети, Франция); таркибида глинозем миқдори юқори бўлган техник мақсадлардаги керамик буюмлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган (Урал Федерал Университети, Россия).

Дунёда минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида техник мақсадлардаги керамик материаллар олишнинг инновацион технологиялари ишлаб чиқишнинг илмий асосларини яратиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан: юқори ҳароратдаги физик-кимёвий жараёнлар, фазавий ўтишлар, алюмосиликат минераллари структураларининг шаклланишлари ўрганиш; замонавий тадқиқот усулларида фойдаланиб, физик-кимёвий жараёнларини, юқори ҳароратли фазавий ўтишларини, минерал кристалл фаза структураларини шаклланишини, керамик массада юзага келган янги минерал фазаларнинг ҳосил бўлишини таҳлил этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоп этилган манбаларда, минерал хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида юқори глиноземли материал ва маҳсулотлар таркибларини ва олиш технологияларини ишлаб чиқишга, ҳамда уларнинг физик-механик ва технологик хоссаларини яхшилашга бағишланган масалалар кенг ёритилган. проф. Е.С.Лукин раҳбарлигида паст ҳароратда пишиш билан майдаловчи шар кўринишидаги техник керамика таркибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Беларус Давлат технология университетида муллиткорундли техник керамиканинг технологик хоссаларига модификацияловчи компонентларнинг таъсири аниқланган. Проф.Р.Ю.Попов раҳбарлигида ярим қуруқ пресслаш усулидан фойдаланиб, едирилишга чидамли керамик материаллар таркиблари ва ишлаб чиқаришнинг технологик параметрлари яратилган. Праж (Чехия) ва Лимож (Франция) университетларида юқори глиноземли хомашёда муллит минералининг оксидлар билан ўзаро таъсири золь-гель усулида тадқиқ этилган. Урал Федерал Университети қошидаги янги материал ва технологиялар институти илмий-тадқиқот лабораторияларида проф. И.Д.Кашеев ва ТПУ проф. В.И.Верещагин раҳбарлигида (Россия), ҳамда Европа

ва Хитой Н.Еrkalfa, R.Krüger J.B.Wachtman, F.A.Yuan, Y.Li, Wang Si каби бошқа хорижий олимлар томонидан гилсимон хомашё ресурслари асосида юқори глиноземли керамик материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республика профессор олимларидан Н.А.Сирожиддинов, Ф.Х.Тожиев, А.М.Эминов, А.А.Исмамов ва Р.И.Абдуллаевалар томонидан Ангрэн каолин хомашёси асосида алюмосиликат керамик материаллар олиш бўйича бир қатор илмий-тадқиқот ишлари бажарилган. ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти ва Материалшунослик институти илмий-тадқиқот лабораторияларида Ангрэн каолини асосида Республика нефтгазни қайта ишлаш соҳасида ишлатилган катализаторлардан фойдаланиб, юқори глиноземли оловбардош шамот ғишти олиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасида маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар етарлича ўрганилмаганлиги сабабли юқори глиноземли жумладан уралит, корунд, муллиткорунд, чинни каби юқори глиноземли майдаловчи жисмлар, туйиш агрегатлари учун қоплама материаллар ва автомобил учкунловчи шамлари учун керамик изоляторлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар мавжуд эмас.

Шундай қилиб, маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида энергиятежамкор таркибли, талаб даражасидаги юқори глиноземли техник мақсадлардаги керамик материалларни ишлаб чиқиш бўйича технологик, амалий, экологик ва иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича ишончли маълумотлар етарли эмас.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Қурилиш ва техник мақсадлардаги функционал ва силикат материалларининг энергия ва ресурс тежовчи таркиб ва олиш технологияларини ишлаб чиқиш” (2020-2024 йй) бюджет мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё компонентлари асосида техник мақсадлардаги алюмосиликат керамик материалларининг таркибларини ва паст ҳароратда олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фойдаланилган хомашё компонентларини бойитиш, кимё-минералогик ва гранулометриқ таркибларини, юқори ҳароратли фазавий ўтиш, пишишнинг физик-кимёвий жараёнлари аниқлаш ва алюмосиликатли техник керамик материаллар олиш учун яроқлилигини баҳолаш;

“каолин-глинозем-доломит” композицияси керамик масса омухтаси аралашмасида паст ҳароратда пишиш ва қаттиқ фазали реакция жараёнларини тадқиқ этиш, ҳамда ғовак структураси ва модификацияловчи нанодисперс қўшимчаларнинг намуналар технологик хоссаларига таъсирини аниқлаш;

муллиткорундли намуналарнинг физик-кимёвий, технологик, эксплуатация ва диэлектрик хусусиятларини хомашё компонентларининг таркиби,

дисперслиги ва термик ишлов бериш режимларига функционал боғлиқлигини аниқлаш;

сувоқланма ҳосил қилувчи қўшимчалар билан каолин, глинозем таркибли хомашёлар асосида майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изоляторларнинг мақбул таркибларини ишлаб чиқиш ва уларнинг хоссаларини едирилишга чидамлилиги, майдалаш қобилияти ва электр мустаҳкамликларини эксплуатация жараёнида синаш;

ишлаб чиқилган муллиткорунд таркибли майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изоляторларнинг тажриба-ишлаб чиқариш йўли билан тадқиқот натижаларини апробациядан ўтказиш ва ишлаб чиқаришда фойдаланишдаги иқтисодий самарадорликларни аниқлаш;

техник мақсадлардаги алюмосиликат керамик материалларни паст ҳароратларда олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва зарурий техник ҳужжатларини тузиш;

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Альянс каолини, Ангрен глинаси, Қарғали лейкократ гранити, Яккабоғ кварц қуми, Музбулоқ доломити, Косон бентонит конлари, Шўртон ГКК ва Мубарак НҚИЗларининг глинозем таркибли цеолит чиқиндиси ва тажриба намуналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изоляторлар тажриба намуналарининг физик-кимёвий, технологик, эксплуатация ва электр хоссаларини ўрганиш, ҳамда лаборатория тадқиқотлари ва тажриба-ишлаб чиқариш синовини бажариш йўли билан мақбул таркиблари ва уларни олишнинг технологик режимларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий таҳлил, хусусан, кимёвий-аналитик, рентгеноспектрал, рентгенфазали, дифференциал-термик, микроскопик, сканерловчи электрон микроскопик, ИҚ-спектроскопик, ҳамда керамика технологиясининг анъанавий тадқиқот ва стандарт усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Альянс каолинини ҳўл усулда бойитиш орқали олинган каолин концентрати асосида техник керамика таркибларини ишлаб чиқиш имкониятлари асосланган;

юқори глиноземли массанинг импорт ўрнини босувчи таркибларини ишлаб чиқишда каолин, глинозем таркибли чиқиндилардан сувоқланма ҳосил қилувчи қўшимчалар билан биргаликда фойдаланиш имкониятлари асосланган;

алюмосиликат намуналарида муллит ва корунд кристалл фазалари ҳосил бўлишига ғовак структурани ва нанодисперс алюминий оксидининг таъсир аниқланган;

каолин ва бентонитлар билан биргаликдаги глинозем таркибли чиқинди миқдорининг алюмосиликат намуналарининг едирилишга ва майдалаш қобилиятига таъсири аниқланган;

юқори ҳароратда пишишдаги физик-кимёвий жараёнлар ойдинлаштирилган ва 1000-1400°C ҳарорат оралигида юқори глиноземли масса намуналарида муллит, корунд ва қисман кристобалит минералларининг

кристалл фазалари ҳосил қилиш билан фазавий ўтишлари аниқланган;

майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изолятор намуналарининг физик-кимёвий, технологик, эксплуатация ва диэлектрик хоссаларининг омукта компонент таркибига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари аниқланган;

муллиткорундли намуналардан изолятор учкун берувчи шамларида бутловчи элемент сифатида фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изоляторлар олиш учун пишишнинг технологик режимлари ва юқори глиноземли массанинг фракция таркиблари мақбуллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Альянс кони каолини ва нефтгазни қайта ишлаш соҳасининг глинозем таркибли чиқинди асосида майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изоляторлар таркиблари ва олиш технологиялари ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилган таркибга ЎзР Патенти олинган;

маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида муллиткорундли майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изоляторларнинг олиш технологияси “Бекабад-огнеупор” ҚК ва “AZIA PORCELAIN TRADE” МЧЖ ларнинг ишлаб чиқариш шароитларида тажриба-саноат синовларидан ўтказилган ва тажриба партиялари ишлаб чиқарилган;

майдаловчи жисм ва қоплама кошинларнинг эксплуатация жараёнида ишқаланишга чидамлилиги “Керамика-огнеупор” МЧЖ ва “ART GLOSS GALLERY” ҚК ларда тажриба-саноат синовидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги аналитик, физик-кимёвий таҳлил, лаборатория тажрибалари, ишлаб чиқариш синовлари натижалари, ҳамда керамик материаллар технологиясининг амалдаги стандарт талаблари бўйича аниқланганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, суёқланма ҳосил қилувчи кўшимчалар билан каолин ва глинозем таркибли чиқинди асосидаги алюмосиликат намуналарининг “таркиб-структура-дисперс-хосса” функционал боғлиқлигини, асосий физик-кимёвий, физик-механик, технологик ва диэлектрик хусусиятларини, хомашё компонентларининг турига, концентрациясига ва пишиш ҳароратининг режимлари боғлиқ равишда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида, хомашё базасини бирмунча кенгайтириш йўли билан илк бор юқори глиноземли массадан олинган, технологик ва эксплуатация хоссалари яхшиланган муллиткорундли майдаловчи жисм, қоплама кошин ва керамик изоляторлар ишлаб чиқаришда уларнинг янги таркиблари ва олишнинг технологик режимларини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техник мақсадлардаги алюмосиликат керамик материаллар таркибларини ва паст ҳароратда олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хомашё компонентлари асосида муллиткорундли майдаловчи

жисмнинг ишлаб чиқилган таркиби ва олиш технологияси “Бекабод-огнеупор” ҚҚнинг “2026-2027 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Бекабод-огнеупор” ҚҚнинг 2025 йил 23 июндаги 106-сонли маълумотномаси). Натижада, четдан келтирилганга нисбатан уч марта арзон майдаловчи жисм ишлаб чиқиш имконини беради;

маҳаллий хомашё компонентлари асосида юқори глиноземли массадан олинган муллиткорундли қоплама кошин таркиби ва олиш технологияси “ART GLOSS GALLERY” ҚҚнинг “2026-2027 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“ART GLOSS GALLERY” ҚҚнинг 2025 йил 10 июлдаги 10/11 2025-6-сонли маълумотномаси). Натижада, туйиш агрегатлари учун четдан келтирилганга нисбатан уч марта арзон қоплама кошин ишлаб чиқариш имконини беради;

маҳаллий хомашё компонентлари асосида учқун берувчи шамлар учун керамик изоляторларнинг ишлаб чиқилган таркиб ва олиш технологияси “AZIA PORCELAIN TRADE” МЧЖ ҚҚнинг “2026-2027 йилларда амалиётга жорий этиладиган истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” Уюшмасининг 2025 йил 24 июлдаги 02/15-2501 сон маълумотномаси). Натижада, паст ҳароратли технология асосида стандарт талабларга мос келган маҳсулот олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 14 та Халқаро ва 15 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш нашр этилган, шулардан 16 таси илмий мақола бўлиб 9 таси Scopus базасидаги журналларда, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган 1 таси хорижий ва 6 таси Республика илмий нашрларда чоп этилган. 1та ЎзР Патенти олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Техник мақсадлардаги юқори глиноземли керамик материалларнинг таркиблари ва ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича тадқиқот вазифасининг замонавий ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари**” деб номланган биринчи бобида, техник

мақсадлардаги юқори глиноземли керамик материаллар, хусусан муллиткорунд таркибли майдаловчи жисм, туйиш агрегатлари учун қоплама материал ва элеккерамик изоляторлар таркибларини ишлаб чиқиш учун хомашё компонентларини танлаш, физик-кимёвий, физик-механик, технологик, ҳамда эксплуатация хоссалари, олиш усуллари, юқори ҳароратдаги пишиш, фазавий ўтиш ва куйдириш режимида керамик сополак кристалл фазасининг структура ҳосил қилиши жараёнлари масалалари бўйича жаҳонда, жумладан Ўзбекистонда илмий-техник адабиётларда чоп этилган илмий тадқиқот ишларининг танқидий таҳлил натижалари келтирилган.

Берилган хоссаларга эга техник мақсадлардаги керамик материаллар ишлаб чиқариш учун Республика минерал хомашё ва иккиламчи ресурслари таҳлил ва муҳокама қилинган. Истиқболли гилсимон хомашё ресурсларини технологик бойитиш, техник керамика таркибларини ишлаб чиқиш учун уларнинг яроқлилигини баҳолаш бўйича масалалар кўрилган. Натижада нашр этилган ишларни танқидий таҳлил ва муҳокама қилишда ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Физик-кимёвий ва технологик тадқиқот усуллари. Минерал фазаларнинг пишиш ва структура ҳосил қилиш жараёнлари. Фойдаланилган ноорганик минерал хомашё ва иккиламчи ресурсларнинг асосий хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида керамик материаллар учун хомашё материаллари ва тажриба намуналарини физик-кимёвий тадқиқонинг замонавий усуллари тўғрисидаги юқори глиноземли омукта технологик хоссаларининг бошланғич хомашё компонентларининг таркиби, технологик хоссаларини таркибига функционал боғлиқларини аниқлаш учун фойдаланилган асбоб-ускуналарнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тажриба намуналарининг физик-механик, технологик ва диэлектрик хоссаларини тадқиқ этиш учун керамика технологияси бўйича пластик ва ярим қуруқ шакллаш усуллари, лаборатория печларида 1000-1450°C ораликларда куйдириш йўли билан тадқиқотлар олиб борилди.

Юқори глиноземли керамик масса намуналарининг пишиш, юқори ҳароратда фазавий ўтиш ванамуна кристалл структурасини ҳосил қилиш жараёнлари физик-кимёвий таҳлил усуллари билан аниқланди. Куйдирилган тажриба намуналарининг асосий технологик кўрсаткичлари керамика технологиясининг синфий, ҳамда амалдаги бир қатор стандарт усуллари бўйича синовдан ўтказилди. Техник мақсадлардаги керамика материалларининг таркибларини ишлаб чиқиш учун Республикада мавжуд бўлган гилсимон минерал хомашё конлари ва иккиламчи ресурслари, ҳамда суюқланма ва модификацияловчи компонентларнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юқори глиноземли масса олиш учун хомашё компонентларини бойитиш ва яроқлилигини баҳолаш. Гилсимон ва тошсимон компонентлар орасидаги қаттиқ фазали реакция жараёнлари ва фазавий ўзаро муносабатлар. Техник керамиканин омухта таркибларини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобида гилсимон хомашёнинг кимё-минералогик ва донадорлик таркиблари, бойитиш, юқори ҳароратдаги

алюмосиликат минералларининг кристалл фазаларини ҳосил қилиш орқали қаттиқ фазали пишиш жараёнлари ва каолин, глинозем ва доломит орасидаги ўзаро фазавий муносабатлар, ҳамда техник керамиканинг, хусусан майдаловчи жисм, қоплама элементлар ва керамик изоляторларнинг асосий физик-кимёвий хусусиятлари, ҳамда учламчи диаграммада мақбул таркиблар соҳасини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Алюмосиликат массаси таркибини ишлаб чиқиш учун хомашё компонентлари сифатида Альянс каолини, Қарғали лейкократ гранити, Яккабоғ кварц қуми, Музбулоқ доломити, Косон бентонити конларидан, ҳамда Шўртон газкимёвий комплекси (ШГКК ГЧ) ва Муборак нефтни қайта ишлаш заводларининг (МНҚИЗ ГЧ) глинозем таркибли чиқиндиларидан, зарурий модификацияловчи қўшимчалардан фойдаланилди.

Маълумки, алюмосиликат керамик масса олиш учун асосий хомашё компоненти бўлиб, каолинлар ҳисобланади, аммо улар ўз таркиби бўйича керамика саноати учун мўлжалланган хомашё талабларига ҳар доим ҳам мос келмайди. Зарурий натижаларга эришиш, яъни каолин таркибидаги алюминий оксидини кўпайтириш ва темир оксидини камайтириш учун Альянс каолинини ҳул усулдан фойдаланиб, технологик бойитиш ишлари олиб борилди, натижада каолин концентрати олинди (1 ва 2-жадвал).

1-Жадвал

Альянс каолинининг табиий ва бойитилгандаги минералогик таркиби

Каолин	Минераллар миқдори, мас.%					
	Каолинит	Монтмориллонит	Кварц	Гидро-слюда	Дала шпати	Бошқалар
Табиий	33,58	2,18	44,31	4,68	15,08	0,8
Бойитилган	72,27	6,48	16,19	0,27	4,53	0,5

2-Жадвал


Альянс каолинининг керамикавий-технологик хоссалари

Хосса кўрсаткичлари	Альянс каолини	Просьянов каолини
Қовушқоқлиги Аттерберг бўйича, %	11-13	7-8
pH киймати, сувда тортиш бўйича	8,18	9,50
Элакдаги қолдиқ, % №0063	0,02	0,04
Оқлиги, %:	110°Сда қуритилган	69
	1350°Сда куйдирилган	86-88
Қисқариши, %:	110°С қуритишда	3,71
	1350°С куйдиришда	14,75
Чўзилишдаги мустаҳкамлик, МПа	110°Сда қуритилган	1,3-1,9
	1350°Сда куйдирилган	88-92
Сув шимувчанлиги, % (1350°С):	6,7	7,8
Оловбардошлиги, °С	1690-1715	1770-1790

Альянс каолинининг кимё-минералогик таркиби ва керамикавий-технологик хоссалари бўйича Просьянов (Украина) каолинига ўхшашлиги, ҳамда қовушқоқлиги ва оқлиги бўйича амалда ундан қолишмаслиги


аниқланди. Шунга боғлиқ равишда, бойитилган каолинни асосий хомашё компоненти сифатида техник мақсадлардаги керамик материаллар ва нозик керамик бумлар ишлаб чиқаришида фойдаланиш мумкин.

Каолин бошланғич намунасининг рентгенограммасида (1а-расм) каолинит (0.255; 0.443; 0.496 нм), гидрослюда (0.237; 0.982 нм), монтмориллонит (1,456; 1,777 нм), кварц (0.166; 0.181; 0.197; 0.212; 0.227; 0.227; 0.244; 0.333; 0.422 нм) ва дала шпатиларининг (0.324; 0.297 нм) дифракция максимумлари кузатилди. Бойитилган каолиннинг рентгенограммаси дифракция чизиқларида каолинит миқдорининг сезиларли ортганини ва кварц миқдорининг камайганлигини, ҳамда монтмориллонит миқдорининг бир мунча ортганини кўрсатади. Кварц дифракция максимумлари жадаллашуви бўйича бир мунча камайган ва гидрослюдага тегишли бўлган дифракция максимумлари эса умуман йўқолгани аниқланди.



1-Расм. Альянс каолини бошланғич (а) ва бойитилган (б) намунасининг рентгенограммалари

Бойитилган каолиннинг растр электрон микроскоп тасвирида псевдогексагонал шаклдаги, сарикроқ кул рангдаги қаватли структурага ва 5 мас.% кварц аралашмасига эга алоҳида пакетларга йиғилган кристаллар кўринди (2-расм). Бундан ташқари қаватли структуранинг асосий минерали – каолинит ва унинг полиминерал таркиби яққол кўринганлини аниқланди.



2-Расм. Альянс каолини бойитилган намунасининг электрон-микроскоп тасвири: а-5 μm; б-100 μm

Алюмосиликатли керамика таркибини ишлаб чиқиш учун каолиндан ташқари, бошқа гилсимон, томсимон ва минераллаштирувчи хомашё

компонентларидан ҳам фойдаланилди, уларнинг кимёвий таркиблари 3-жадвалда келтирилган.

3-Жадвал


Хомашё компонентларининг кимёвий таркиблари

Хомашё компонентлари	Оксидлар миқдори, мас.%									К.Й, мас. %
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	TiO ₂	MgO	CaO	Na ₂ O	K ₂ O	SO ₃	
Бойитилган Альянс каолини	51,00	33,8	0,47	0,34	0,49	0,48	0,19	1,48	0,32	11,70
Ангрен глинаси	52,10	25,67	5,77	0,38	1,19	1,10	0,95	0,91	1,71	10,16
ШГКК ГЧ	6,00	85,28	1,60	0,85	1,32	1,23	0,60	0,17	<0,10	1,55
ШГКК ГЧ (1300°С куйдир.)	0,18	98,77	0,24	0,31	0,29	0,09	0,05	0,04	сл.	0,02
МНҚИЗ ГЧ	1,33	90,55	0,20	0,19	0,78	0,25	0,06	0,40	<0,10	6,20
МНҚИЗ ГЧ (1300°С куйдир.)	0,12	99,88	0,05	0,09	0,25	0,07	0,02	0,03	сл.	0,01
Музбулоқ доломити	1,26	0,65	0,38	0,03	21,17	29,84	0,08	0,04	сл.	45,91
Яккабоғ кварц куми	97,45	0,10	0,35	сл.	0,15	0,28	0,64	0,04	0,01	1,02
Қарғали лейко- крат гранити	71,88	13,55	0,64	0,05	0,92	1,12	2,45	8,54	0,01	0,86
Косон бентонити	55,83	17,64	5,39	0,72	0,20	1,26	2,70	2,64	0,84	12,30

Керамик омухтадаги Al₂O₃ нинг миқдорини кўпайтириш учун нефтни қайта ишлаш соҳасининг глинозем таркибли чиқиндисидан фойдаланилди.


1100-1200°С ҳароратда куйдирилган ушбу чиқинди намуналарининг рентгенограммаларида, юқори глиноземли керамик материалларнинг асосий кристалл фазаси ҳисобланган муллит ва корунд минераллари куйдириш маҳсулотлари ҳисобланадилар. Бундан ташқари, ШГКК ва МНҚИЗ ишлатилган катализаторларга термик ишлов беришда оралик минераллар – глинозем ва мелилитлар ҳам ҳосил бўлиши аниқланган.

Альянс каолини намунасининг дифференциал-термик таҳлил натижалари (3-расм), термограммада 285°С ҳароратда органик қўшимчаларнинг ёнишига ва сувни чиқиб кетишига боғлиқ бўлган кучсиз экзотермик эффект юзага келганлигини кўрсатади. 610°С ҳароратидаги максимумга эга бўлган эндоэффект нисбатан кўп масса йўқотилиши билан каолин структурасини парчаланишининг бошланишига тегишли бўлади ва яхши даражадаги кристалланиш жараёнидан дарак беради. 1010°С ҳароратдаги аниқ экзоэффект каолинит парчаланишидаги аморф маҳсулотларининг қайта кристалланишига тегишли эканлиги кузатилади.



3-Расм. Альянс каолини намунасининг ДТТ

МНҚИЗ бошланғич глинозем таркибли чиқиндисининг микрофото тасвирида (4а-расм) гелсимон гиббсит, қисман барг кўринишидаги тешиксимон галлуазит минераллари аниқ кўринади. Микрокристалл структураси, зич бир жинсли, алюминий гидроксиди фазасидан ташкил топгандир. 900°C ҳароратда куйдирилган намуналарда (4б-расм) бир жинсли тешиксимон структурали ва гамма глиноземнинг толасимон агрегатлари кузатилади. 1300°C ҳароратда куйдирилган намунанинг морфологияси (4с-расм) асосан корунд минералидан таркиб топган бўлиб, элементар тўрға ёпишган икки ромбоэдр кўринишида ифодаланади. Корунд кристаллининг морфологияси бочкачасимон, дипирамидал ва таблетка кўринишидаги псевдогексагонал ҳолатдаги кристалллардан иборат бўлганлигини кузатилади.




а

б

с

4-Расм. МНҚИЗ глинозем таркибли чиқиндисининг ЭМ тасвири: а-бошланғич; б-900°C да куйдирилган; с- 1300°C да куйдирилган

Юқори глиноземли керамик массанинг турли вариантдаги концентрация таркибларини ишлаб чиқиш ва уларни технологик ўзлаштириш учун бошланғич компонентлар кимё-минералогик таркибларини ҳисобга олган ҳолдаги илмий ёндошувдан фойдаланилди. «Каолин-глиноземтаркибли чиқинди-доломит» учламчи системасидаги мақбул таркиблар соҳаси 5-расмда келтирилди. Учламчи системадан юқори глиноземли массанинг мақбул таркиблари, глинозем таркибли чиқиндининг максимал миқдорига эга бўлган учбурчак юқорисига яқин жойлашганлигини кўриш мумкин.



**5-Расм. «Каолин-глиноземтаркибли чиқинди-
доломит» учламчи системасидаги мақбул таркиблар соҳаси**

Диссертациянинг “Тажриба намуналарининг ғоваклик структураси ва минераллаштирувчи қўшимчаларнинг уларнинг физик-механик хусусиятлари ва пишиш ҳароратларига таъсири. Ишқаланишга юқори чидамлик ва диэлектрик хоссаларга эга керамик масса намуналарининг омухта таркибларини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида керамик сополак ғоваклик структураси ва модификацияловчи қўшимчаларнинг ишлаб чиқилган муллиткорундли керамик материалларнинг пишиш ҳароратига ва физик-механик, технологик, ҳамда эксплуатация хоссаларига таъсирини тадқиқ этиш натижалари келтирилган. Каолин ва бентонит билан биргаликда турли микдордаги глинозем эга бўлган, алюмосиликат материалларнинг омухта таркибларини ишлаб чиқиш ва ишқаланишга, майдалаш қобилиятига, едирилишга юқори чидамликка ҳамда зарурий диэлектрик хоссаларга эга бўлган муллиткорундли керамик материалларнинг омухта таркибларини мақбуллаштириш бўйича натижалар келтирилган.

Маълумки, юқори глиноземли керамик материаллар алюминий ва кремний оксидларининг нисбатига кўра тавсифланади. Улар донали тузилишга эга бўлиб, шунга ўхшаш таркибли пиширилган буюмларга қараганда иссиқликка бардошлилиги юқорироқ бўлгани учун даврий равишда қиздириш ва совитиш жараёнлари бўлган иссиқлик агрегатларида муваффақиятли қўлланилади. Шу сабабли, тўлдиргичнинг гранулометрик таркибига боғлиқ равишда, турли ғоваклик қаторларига эга юқори глиноземли материалларнинг таркибларни ишлаб чиқиш ва физик-механик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Глинозем компоненти солиштирма юзасини бошқариш орқали, етарлича механик мустаҳкамликка ва мақбул структурадаги ғовакли юзага эга бўлган

термик юкламалар таъсирида емирилишга энг кам даражада мойил бўлган турли мақсадлардаги юқори глиноземли керамик материаллар олиш мумкинлиги аниқланди.

Ишлаб чиқилган керамик масса намунасининг механик хусусиятларига дисперс оксиднинг таъсири ўрганилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган намуналарнинг физик-механик хоссалари нанодисперс алюминий оксиди қўшимчасига нисбатан монотон функция ҳисобланмайди. Чунки, керамик массага нанодисперс алюминий оксиди 1,0; 3,0 ва 5,0 мас.% миқдорда қўшилганда, фақатгина 3,0 мас.% қўшилган МТ-2 намунасида физик-механик ва эксплуатация хоссаларининг, хусусан, ишқаланиш коэффициенти, кислотага чидамлик, зичлик ва мустаҳкамлик кўрсаткичларининг яхшилангани кузатилди. Миқдорининг бошқа намуналарда камайиши ёки кўпайиши натижасида эса керамик материаллар хоссаларининг деярли монотон равишда ёмонлашгани қайд этилди.

Муллиткорундли керамика таркибини мақбуллаштириш учун, жами икки сериядаги юқори глиноземли керамик массалар тайёрланди, улардан биринчи серияда глинозем таркибли чиқинди миқдори 40 дан 60 мас.% гача ўзгартирилди, иккинчи серияда эса унинг миқдори 60 дан 90 мас.% гача қўшилди. Ишлаб чиқилган омухта таркибларининг (4-жадвал), баъзи массаларга бир вақтнинг ўзида икки ҳил турдаги суюқланма ҳосил қилувчилар - лейкократ гранити ва барий карбонати киритилди. Бундай суюқланма ҳосил қилувчиларни комплекс равишда киритилиши керамик масса тажриба намуналарининг пишиш ҳароратини нисбатан самарали пасайтиришни таъминлаши кўзда тутилган.

4-Жадвал

Биринчи серия керамик массаларнинг омухта таркиблари

Хомашё компонентлари	Намуналарнинг номланиши, миқдори, мас.%									
	М-1	М-2	М-3	М-4	М-5	М-6	М-7	М-8	М-9	М-10 (уралит)
МНҚИЗ ГЧ (куйд.)	40,0	40,0	40,0	40,0	40,0	50,0	50,0	50,0	60,0	61,6
Ангрен глинаси	20,0	20,0	20,0	20,0	20,0	20,0	20,0	20,0	20,0	31,0
Альянс каолини	20,0	20,0	20,0	30,0	30,0	20,0	10,0	20	10,0	-
Музбулоқ доломити	-	5,0	-	-	-	10,0	-	-	10,0	7,4
Қарғали гранити, бойитилган	20,0	10,0	10,0	-	-	-	15,0	10,0	-	-
ВаСО ₃	-	5,0	10,0	10,0	10,0	-	5,0	-	-	-

5-Жадвалда биринчи серияда ишлаб чиқилган юқори глиноземли масса тажриба намуналарининг асосий физик-механик хоссалари келтирилган. 5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таркибида суюқланма ҳосил комбинацияга эга ва юқори мустаҳкамлик ва ҳажмий оғирлик билан тавсифланган М-2 намунаси учун, М-10 (заводда ишлаб чиқарилган уралит) асосий материалга нисбатан пишиш ҳароратининг сезиларли даражада пасайиши кузатилган. М-2 намунаси пишиш ҳарорати бўйича М-10 – уралит

материалига нисбатан анча паст ҳароратда пишганлиги ва механик эгилиш мустаҳкамлиги жиҳатидан юқори кўрсаткичларга эгаллиги қайд этилган.

Умуман олганда, биринчи серия намуналарини тадқиқ этиш натижалари, М-2 намунасидан майдаловчи жисмлар тажриба партиясини ишлаб чиқаришга тавсия этиш имконини берди. Иккинчи йўналиш бўйича, глинозем миқдори 61,6 мас.% дан 90 мас.% гача ўзгарган иккинчи серия массалар тайёрланди. Шунини таъкидлаш жоизки, эталон уралитда глинозем миқдорининг 61,6 мас.% ни ташкил қилиши кўрсатилган.

5-Жадвал

Биринчи сериядаги тажриба намуналарининг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар номи	Намуналарнинг номи									
	М-1	М-2	М-3	М-4	М-5	М-6	М-7	М-8	М-9	М-10 (уралит)
Куйдириш ҳарорати, °С	1400	1380	1380	1400	1380	1400	1400	1430	1450	1430
Эгилишдаги мустаҳкамлик, МПа	170	225	180	187	160	227	165	150	215	220
Хажмий оғирлик, г/см ³	2,78	3,06	2,87	2,97	2,89	2,94	2,91	3,01	3,04	3,05
Зичлик, г/см ³	3,05	3,37	3,03	3,04	2,92	3,04	2,96	2,81	3,31	3,33
Чизиқли қисқариш, %	15,8	16,8	17,6	20,2	16,9	19,2	16,8	18,8	19,1	16,9

Бунга боғлиқ равишда, иккинчи серия массаларида (6-жадвал) глинозем миқдорининг кўплиги туфайли, уларни куйдиришга юқори ҳарорат талаб этилганлиги учун, қўшимча равишда, одатда глиноземли массаларнинг пишиш жараёнини фаоллаштириш учун ёрдам берадиган икки валентли титан оксиди таркибга киритиди.

Шунингдек, юқори глиноземли массалар таркибига “титан оксиди+доломит” кўринишидаги паст ҳароратда эвтектика ҳосил қиладиган комплекс қўшимчалар киритиш ҳам қўлланиб кўрилди.

6-Жадвал

Иккинчи сериядаги керамик массаларнинг омухта таркиблари

Хомашё компонентлари	Намуналарнинг номи, мас.%									
	М-10 (уралит)	М-11	М-12	М-13	М-14	М-15	М-16	М-17	М-18	
Куйдирилган МНҚИЗ ГЧ	61,6	70,0	70,0	70,0	75,0	80,0	80,0	90,0	88,0	
Ангрен глинаси	31,0	20,0	20,0	20,0	-	-	-	-	-	
Косон бентонити	-	-	-	-	23,0	16,0	18,0	6,0	10,0	
Музбулоқ доломити	7,4	8,0	10,0	9,0	-	2,0	-	-	-	
Титан оксиди	-	2,0	-	1,0	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0	


Ишлаб чиқилган иккинчи сериядаги (глинозем миқдори 70 мас.% дан юқори бўлган) керамик масса намуналарининг айрим асосий физик-механик хоссалари 7-жадвалда келтирилган.

7-Жадвал


Иккинчи сериядаги тажриба намуналарининг физик-механик хоссалари

Наименование показателей	Намуналарнинг номи								
	М-10 (уралит)	М-11	М-12	М-13	М-14	М-15	М-16	М-17	М-18
Пишиш ҳарорати, °С	1430	1430	1450	1650	1650	1600	1600	1600	1450
Эгилишдаги мустаҳкамлик, МПа	220	237	215	153	172	160	255	350	210
Солиштирма оғирлик, г/см ³	3,05	3,23	3,33	3,12	3,09	3,36	3,32	3,36	3,39
Зичлик, г/см ³	3,33	3,36	3,25	3,28	3,17	3,43	3,41	3,42	3,45
Чизиқли қисқариш, %	16,91	19,10	21,11	19,52	19,71	23,91	23,20	25,20	21,14

Турли ҳароратларда куйдирилган мақбул таркибли намуналарнинг электрон-микроскоп тасвирлари мос равишда 6-расм ва 7-расмларда келтирилган.




1250°C



1300°C




1350°C




1450°C


6-расм. Турли ҳароратларда куйдирилган М-11 намунасининг электрон-микроскоп тасвирлари




1250°C



1300°C



1350°C



1450°C

7-расм. Турли ҳароратларда куйдирилган М-18 намунасининг электрон-микроскоп тасвирлари

Ишлаб чиқилган М-2 ва М-11 таркибли намуналар 10 литр ҳажмли шарли тегирмонда таққослаш мақсадида майдалаш (туйиш) ишларини ўтказишда ишлатилди, улардан олинган натижалар 8-жадвалда келтирилган.

8-Жадвал

Юқори глиноземли массалардан тайёрланган М-2 ва М-11 намунавий майдаловчи жисмлар туйиш жараёнининг натижалари

Майдаловчи жисм намуналари	Майдалаш давомийлиги, соат	Ишқаланиш коэффиценти,	Хажмий оғирлиги, г/см ³
М-10 (уралит)	4,50	0,00875	3,05
М-2	4,44	0,00848	2,98
М-11	3,66	0,00730	3,25

Юқорида келтирилган маълумотлардан аниқландики, суюқланма ҳосил қилувчилардан комплекс фойдаланиш зарурий технологик кўрсаткичларга эга бўлган техник керамика учун алюмосиликат масса намуналарининг пишиш ҳароратини сезиларли даражада пасайтириш имконини беради.

Диссертациянинг “Юқори глиноземли керамик майдаловчи шарлар, қоплама материаллар ва изоляторларнинг мақбул таркиблари ва технологик ишлаб чиқариш режимининг параметрларини ишлаб чиқиш. Ишлаб чиқилган материалларнинг тажриба-ишлаб чиқариш синовлари натижалари ва уларни жорий этиш бўйича тавсиялар” деб

номланган бешинчи бобида техник мақсадлардаги керамик материаллар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича натижалар келтирилган ва майдаловчи жисм, қоплама материаллар ҳамда изоляторларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқарилган. Техник керамика таркибларни ва олиш технологик режимларини мақбуллаштириш жараёнида яқин истиқболда уларни саноат миқёсида ўзлаштириш имконини берадиган йўналиш танлангани таъкидланган.

Юқори мустаҳкамликка эга, ишқаланишга, едирилишга ва майдаланишга чидамлиги юқори бўлган муллит-корунд таркибли майдаловчи жисм ва қоплама кошин кўринишидаги зич пишган, мустаҳкамлиги юқори керамик материал олиш мақсадида, техник мақсадлардаги алюмосиликатли керамик массани тажриба-ишлаб чиқариш синови учун юқорида кўрсатилган хомашё материалларидан фойдаланилган.

Олинган тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, куйдиришдан сўнг пишиш жараёнида нисбатан етарлича юқори хосса кўрсаткичларига майдаловчи жисмлар учун – МТ-3, МТ-6, МТ-7 намуналари, қоплама кошинлари учун эса – ФМ-1 ва ФМ-2 намуналари эга бўлди, тажриба-ишлаб чиқариш синовлари учун уларнинг компонент таркиблари 9-жадвалда келтирилган.

9-Жадвал

Майдаловчи жисм (МТ) ва қоплама кошинлар (ФМ) учун муллиткорунд таркибли алюмосиликат массанинг компонент таркиблари

Намуналар	Компонент таркиблари, мас.%					
	Бойитилган Альянс каолини	Глинозем таркибли чиқинди (1300°С куй.)	Қарғали лейкократ гранити	Яккабоғ кварц қуми	Музбулоқ доломити	Косон бентонити
МТ-3	18	70 (ШГКК)	3	3	3	3
МТ-6	20	65 (ШГКК)	7	3	3	2
МТ-7	26	60 (ШГКК)	8	-	3	3
ФМ-1	12	80 (МНҚИЗ)	3	-	3	2
ФМ-2	10	82 (МНҚИЗ)	-	2	3	3

Майдаловчи жисмлар ва қоплама плиталари учун юқори глиноземли массалардан тажриба партияси намуналарини олиш бўйича ишлаб чиқариш синовлари “Бекабад-огнеупор” ҚК шароитида ўтказилди. Ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш учун тажриба намуналарини танлашда лаборатория тадқиқотларининг натижалари инобатга олинди. Амалдаги стандарт талабларига жавоб берадиган, физик-механик ва технологик хоссалари энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган намуналар танлаб олинди.

Ишлаб чиқилган рецептурага мувофиқ, тажриба керамик массаларини ишлаб чиқариш шароитида тайёрлаш алоҳида-биргаликда усулида оли борилди. Таъкидлаш жоизки, майдаловчи жисмлар мустаҳкамликни ошириш мақсадида керамик массага 100 мас.% асосий таркибдан ташқари 3,0 мас.% миқдорда заррача ўлчамлари 250-300 мкм бўлган гамма-шаклдаги ($\gamma\text{-Al}_2\text{O}_3$) нанодисперс алюминий оксиди қўшилди.

Диаметри 30 мм ва узунлиги 40 мм бўлган цилиндр шаклидаги майдаловчи жисмлар ҳар бир партиядан 100 кг миқдорда қовушқоқ шакллантириш усулида, вакуум прессда мос босимда, шунингдек, шарли тегирмонлар учун ФМ-1 ва ФМ-2 таркибидан ўлчамлари 150×100×50 мм бўлган қоплама кошинлар 5м² хажмда яримқуруқ пресслаш усулида, намлиги 7–8 % бўлган ҳолда тайёрланди. Шаклланган намуналар 105-110°С ҳароратда қолиплаш намлигини тўлиқ йўқотиш учун қуритилди, сўнгра намуналар камерали печда 1400°Сда якуний ҳароратда 3 соат ушлаб туриш билан куйдирилди.

Ишлаб чиқаришда олинган муллит-корунд намуналарнинг кимёвий таркиби ва физик-механик ҳамда технологик хусусиятларини аниқлаш натижалари мос равишда ГОСТ 20419-83, 600- глиноземли гуруҳ (муллит-корундли, 620 кичик гуруҳи) ва ТУ 21-150-98, шунингдек 700- юқори глиноземли гуруҳ (корундли, 780 кичик гуруҳ) талаблари билан таққосланди (10-жадвал).

10-Жадвал

Ишлаб чиқилган муллит-корундли майдаловчи жисмларнинг ТУ 21-150-98 таққослаш билан кимёвий таркиби ва физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар номи	ТУ 21-150-98	Тажриба намуналари		
		МТ-3	МТ-6	МТ-7
Al ₂ O ₃ , миқдори, мас.%	73-75	77,19	74,18	71,66
SiO ₂ миқдори, мас.%	<20-23	17,83	21,21	22,66
Fe ₂ O ₃ , Na ₂ O, CaO, K ₂ O, бошқ. миқдори, мас. %	2,0-7,0	4,98	4,61	5,68
Зичлик, г/см ³ , камида	3,40	3,45	3,40	3,38
Ёпиқ ғоваклик, кўп эмас, %	2,00	1,61	1,72	1,91
Сув шимувчанлиги, кўп эмас, %	0,10	0,07	0,09	0,14
Кислотага чидамлилиқ (HCl), кам эмас, %	99,0	99,5	99,3	99,1
Термик мустаҳкамлиги, 1000°С да иссиқлик алмашинувлар сони	15	15	15	15
Ишқаланиш коэффициентини, кўп эмас, %/соат	0,010	0,008	0,009	0,010
Сиқилишга механик мустаҳкамлик, МПа, кам эмас	55,0	57,10	56,05	55,01
Тўкма зичлик, т/м ³	1,3-1,75	1,72	1,62	1,43

Синов натижалари шуни кўрсатдики (10-жадвал), муллиткорунд таркибли тажриба-ишлаб чиқариш йўли билан олинган майдаловчи жисмлар кўрсаткичлари бўйича ТУ 21-150-98 талабларига жавоб беради.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, ишлаб чиқилган МТ-3 намунаси алюминий оксиди миқдори бўйича ТУ 21-150-98 кўрсаткичларидан юқори, қолган тажриба намуналари эса кимёвий таркиби ва физик-механик хоссалари бўйича амалдаги ГОСТ 20419-83 стандартига мувофиқ глиноземли муллиткорундли керамик материалларга мос келади. Майдаловчи жисмнинг МТ-3 намунаси “Керамика-огнеупор” МЧЖ шароитида керамик пигментни майдалашдаги эксплуатация жараёнида синовидан ўтказилди.

Керамик шарларнинг емирилишга чидамлилиги ва майдалаш қобилияти бўйича тадқиқ этиш, ишлаб чиқилган юқори глиноземли керамикадан олинган цилиндрсимон майдаловчи керамик жинслардан, ҳамда хориждан келтирилган “Электрокерамика” ЁТАЖ ишлаб чиқарилган майдаловчи жисмлар билан биргаликда олиб борилди. Ишлаб чиқилган керамик майдаловчи шарларнинг емирилишга чидамлилиги ва майдалаш қобилияти бўйича тажриба ишлаб чиқариш синови натижалари, ишлаб чиқилган М-5 намунасининг ишқаланиш тезлиги “Электрокерамика” ЁТАЖ ишлаб чиқарилган майдаловчи жисмлар тезлиги билан деярли бир хил эканлигини кўрсатди ва мос равишда МТ-3 намунаси учун $10,21 \cdot 10^{-3}$ %/соат қийматни ва хорижий учун эса $10,10 \cdot 10^{-3}$ %/соат қийматни ташкил этди.

